

---

## Турк маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари учун замонавий Workaut ҳамда Streetbol майдончаси фойдаланишга топширилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг қобилиятини намоён этишларига кўмаклашишга қаратилган “Беш муҳим ташаббус” лойиҳаси доирасида туманимиз ёшлари вилоят, республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Жумладан лойиҳанинг 2-мавсуми доирасида стол тенниси, шахмат, шашка, волейбол, енгил атлетика, Streetboll, миллий кураш, Street Workaut, Ёш китобхон, киберспорт, халқ ва замонавий чолғу, рақс, Қувноқлар ва зукколар ҳамда Заковат йўналишларида тумандан 36 612 нафар ёшлар онлайн рўйхатдан ўтишди.

Мусобоқаларнинг вилоят босқичларида 6 та 1-ўрин, 8 та 2-ўрин, 4 та 3-ўринларни қўлга киритишди.

Мусобоқаларнинг республика босқичларида ҳам туманимиз ёшлари муносиб иштирок этиб фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Хусусан Турк маҳалла фуқаролар йиғинининг иқтидорли ёшларидан бири Ҳатамов Асадбек спортнинг миллий кураш тури бўйича 16-21 ёш тоифасида 60 кг вазнда шохсупага кўтарилиб фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Шу муносабат билан мазкур маҳалла ёшлари учун замонавий Street Workaut майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Тантанали очилиш маросимида маҳалла ёшлари, фаоллар иштирок этишди. Тадбир давомида иқтидорли спортчиларнинг чиқишлари барчага бирдек манзур бўлди.

2023-07-08 11:59:05